



kk



МУКАРРАМ
ТҮРҒҮНБОЕВА



СССР халқ артисткаси МУКАРРАМ ТУРГУНБОЕВА
Народная артистка СССР МУКАРРАМ ТУРГУНБАЕВА



АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР
ИНСТИТУТ ИСКУССТВОЗНАНИЯ



МУЖАРРАМ
ТУРГУНБАЕВА



ГОСУДАРСТВЕННОЕ ИЗДАТЕЛЬСТВО ХУДОЖЕСТВЕННОЙ
ЛИТЕРАТУРЫ УзССР
ТАШКЕНТ — 1959



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ



МУҲАРРАМ ТУРҒУНБОЕВА



ЎзССР ДАВЛAT БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1959

Проверено

Редакторы *Л. Винокурова, У. Шамсимухамедов*

Художник *Г. Соколов*

Художественный редактор *Г. Бедарев*

Технический редактор *Т. Скиба*

Корректоры *Е. Корнилова, Н. Ахрапова*

Сдано в набор 16/VI—1959 г. Подписано к печати 12/IX—1959 г. Формат 70×92^{1/16}
Печ. л. 7,5. Усл. печ. л. 8,77. Издат. л. 7,0. Тираж 5000. Р. 07303 Государственное
издательство художественной литературы УзССР, Ташкент, ул. Навои, 30.
Договор № 338/57.

Типография № 2 Главиздата Министерства культуры УзССР Янги-Юль
ул. Чехова, 3. 1959 г. Заказ 1054. Цена 13 р. 10 к.



збек халқи ҳақиқатан ҳам катта бойликка — тенги йўқ, гўзал рақсларга эгадир.

Қадимги даврларда ҳам ўзбек рақкосалари ўзларининг ажойиб санъатлари билан машҳур эдилар. Нафис ва чироғли ишланган кичик-кичик ҳайкалчалар узоқ ўтмишдаги рақкосалар санъати ҳақида ҳикоя қиласиди. Шунингдек, кумуш идишлар ва ҳашаматли саройларнинг деворлари ҳам кўпинча рақкосаларнинг суратлари билан безатилар эди. Авваллари халқ ичидан чиққан санъаткор хотин-қизлар Шарқ ҳукмронларига тортиқ қилинарди...

Алишер Навоийнинг замондоши бўлган машҳур рақкос Сайд Бадрни бутун Шарқ танир эди...

Халқ гўзал рақсларнинг яратилиши ва ажойиб рақкосалар ҳақида кўплаб улуғвор достонлар ва шоирона афсоналарни саклаб келган...

Ўзбек рақслари турли-тумандир: аниқ бир мазмунли ва услубий рақслар, одамларнинг ёки ҳайвонларнинг образларини енгил ҳазил, ёхуд кучли сатира орқали кўрсатувчи тақлидий рақслар, меҳнатни, кундалик турмушни ифодаловчи ва лирик қўшиқларнинг мазмунини тасвиrlовчи рақс — пантомималар, халқ театрининг турли соҳалари билан узвий боғланган рақслар ва кўпгина сюжетсиз байрам рақсларидан иборатdir.

Ҳар бир шаҳар ва деярли ҳар бир қишлоқ ҳалқининг табиати ва темпераментини ифодаловчи ўзларининг севимли ўйинлари бор. Бу ўйинларда мукаммал бир сюжет ҳам, аниқ ифодаланган тема ҳам йўқ; улар бир қанча ҳаракатлардангина иборатдир. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси байрам пайтлари бу ҳаракатларни ҳар қандай куй жўрлигига ҳам ўйнай берардилар ва ҳар гал янги рақслар яратардилар.

Ўзбекистон областларидаги ҳалқ ўйинлари бир-биридан ўзига хос кайфияти ва ҳаракатлари билан фарқ қиласди.

Фарғона водийсининг рақслари ички кечинмаларга, шижаот ва жўшқинликка, аниқ ҳис-туйғуларга, руҳий ҳолатларга бойдир. Ўйин пайти қўл билан бажариладиган ҳаракатлар майин, эгилувчан, гўё кўзга кўринмас, мураккаб бир гул тикаётгандек туюлади.

Бухоро ўйинлари ўзининг улуғворлиги, ажойиб кучли эҳтироси, ўйиннинг бошидан охирига қадар жиддий ҳолати, қўлларнинг аниқ ҳаракатлари, гавданинг нозик эгилувчанлиги билан характерлади.

Хоразмликлар эса шижаот, ажойиб қўл ҳаракатлари, гавданинг қуюндеқ тез айланиши каби хусусиятларга эга бўлган рақслар яратадилар. Бу рақсларда кучли ва шиддатли ритмик ҳаракат бирданнга доиранинг секин-секин чертилиши билан ўзгаради. Диққатни жалб қиливчи бу паузани раққоса кучли гавда ҳаракати билан тўлдириб юборади.

Лекин, бу фарқлари билан бирга, ўзбек рақслари ритмнинг аниқлиги, қўл ҳаракатларининг маънисдорлиги билан бир-бирига жуда яқиндир. Ўзбек рақсларида сакраш, ҳавога отилиш ҳаракатлари йўқ, раққосани ер маҳкам ушлаб, ўзига тортаётгандек туюлади, бу ҳаракатларнинг ҳаммаси рақснинг куч-қудрат, эпчиллик, жасурлик, ғайрат, шодлик туйғулари билан суғорилганлигини кўрсатади.

Ўзбек хореография меросининг бой ҳазинасида ҳалқ ўйинларидан ташқари талантли рақс усталарининг асрлар давомида ҳалқ ўйинлари асосида яратган бир қанча ўйинлари ҳам бор. Буларга: кишиларнинг ҳис-туйғуларини ќўрсатувчи аниқ бир темадаги рақслар киради. Улар куйнинг, айниқса ритмларнинг ранг-баранглиги, билур каби мусаффолиги, ўйиндаги аниқ ҳаракатлар уюшмаси билан.

лан кишини ҳайратда қолдиради; жойиб мазмуни ва мукаммал формалари билан завқлантиради. Профессионал рақс техникасини эгаллаш учун кўп йиллар давомида тинмай ишлаш лозим. Рақсларнинг мазмунини яхши тушуниш учун раққосада рассомларга хос сезигирлик бўлиши керак.

Сон-саноқсиз ўзбекча рақсларнинг мураккаб шаклларини ўрганиб олиш учун артист кўп қийинчиликларни бошдан кечириши, тинмай меҳнат қилиши, матонатли, сабрли ва файратли бўлиши керак. Отоқли ўзбек раққосаси ва балетмейстри, СССР халқ артисткаси **Мукаррам Турғунбоева** худди шундай ижодкор, янги-янги рақслар яратувчи артисткалардандир.

* * *

...**Мукаррам Турғунбоева** 1913 йилда Фарғонанинг кичкина қуи қишлоқларидан бирида дунёга келган. У ёшлик пайтида отонасидан ётим қолиб, Фарғонадаги узоқ қариндошларидан бириникида тарбияланган. Амакиси уни ўз қизидек севса-да, Мукаррамнинг ёшлиги кўп қийинчиликлар билан ўтган. Бутун ҳамма ёқда янги ҳаёт барқ уриб, мактаблар, техникумлар, институтлар очилаётган; хотин-қизлар жаҳолат дунёси — паранжини улоқтириб, ўқишига ва ишга интилган бир вақтда Мукаррам учун бу йўллар берк эди. Унинг амакиси Ўзбекистонга революциянинг нима сабабли кириб келганлигини тушунмаган, революциядан кейин ҳам ўн йилларгача шариат ва ислом қонун-қоидаларига содиқ бўлиб қолган «адолатпарвар» киши эди. Шариат қонуллари эса «хотин — эрга ва тақдирга бўйсуниши керак, лом-лим демай, ёруғ кунни кўрмаслик учун қора чачвон тутиб юриши ва шайтонни завқлантирмаслик учун ўйин-кулги қилмаслиги лозим», деб талаб қилар эди.

Аммо уятчан, боодоб Мукаррам бу қонун-қоидаларга бўйсунмади, паранжики ёпинмади; у «динсизларга» қўшилди.

Мукаррам Турғунбоева хэтин-қизлар педагогика техникумига қадам боссо кирган биринчи кунни ҳеч бир унумтайди. Ёруғ класс, сон-саноқсиз китоблар, айниқса қизларнинг жиддий қиёфалари аввал уни бир оз чўчитиб юборди. Лекин, дарсга қўнғироқ чалингача, ўйқ деганига ҳам қарамай дугоналари уни ҳовлига олиб кирдилар.

Ҳовлида бир тұда қуёшда қорайған қызлар түп үйнашар әди. Бу ерда у қувноқ дугоналари орасида әканлигини, ular билан бирга бўлса ҳеч нарса қўрқинчли бўлмаслитини ва ҳар қандай қийинчиликни енга олишини тушунди.

Бир шаққонгина қувноқ қиз Мукаррамга: «Келинг, бу ёққа юринг. Бу уйда кашта тикиш тўгараги бор, мана бу уйда эса қызлар китобга муқова қилишни ўрганмоқдалар. Ашула овозини эшиятисизми? Бу ашулачилар тўгараги, булар эса гимнастикачилар. Хўш, сиз қайси тўгаракка ёзиласиз?» деди. Мукаррам бирпас ўйлаб туриб, қатъий жавоб берди: «Ҳаммасига!» «Ҳаммасига? Қийналиб қоласиз, ахир жуда кўп ўқиш-ўрганишга тўғри келади». Мукаррам: «Қийналмайман!» деб қатъий жавоб берди ва бир оздан сўнг: «Қийналмайман дедимми, қийналмайман» деб яна ўжарлик билан сўзини такрорлади...

Уйга у қоронги тушганда қайтди. Мукаррамнинг ҳимоячиси — кенойиси эса эшик олдида уни кутиб ўтирад әди; амакисига билдирмай уйга ўтиб кетиши керак әди... Аммо, доим амакиси унинг келганини сезиб қоларди.

Студент қызларнинг берган концерти кўп томошабинларга маъқул бўлар әди. Шунинг учун ҳам Мукаррам амакисининг бозордаги гўшт дўқони олдида эрталабдан бошлаб техникум қызларининг аввалги кун берган концертлари ҳақида гап борарди. Мукаррам амакисининг сўкишларига, дўқига, калтакларига ҳам чидаб, эрталаб йиғидан шишиб, қизариб кетган юз-кўзларини юварди-да, яна дугоналари олдига жўнарди. Эрталабдан кечгача улар билан бирга бўларди. У энди муқова ва чеварлик тўгаракларига қатнамай қўйди. Уни кашта тикиш ва гимнастика тўгараклари ҳам қизиқтирилмайдиган бўлиб қолди — ҳар куни жекчурунлари рақс ва ашула тўгарагининг репетицияларида банд бўлар әди. Шу кунлари шаҳарга Тамарахоним гастролга келди. Мукаррам унинг ўйинларини кўргандан сўнг: «Мен артистка бўламан» деб қатъий қарор қилди. Бунинг учун эса Самарқандга бориш керак әди...

Мукаррам Самарқандга жўнади ва [1929 йил 16 сентябрдан бошлаб, Узбек Эксперименталь музикали драма театрига ишга қабул қилинди.] Фарғона шаҳрининг бозорида эса «Қандай шармандалик! Қиз бола юзини очиб, минг-минглаб эркаклар олдида ўйинга тушса,



МУКАРРАМ ТУРФҮНБОЕВА. 1928-й.

кимсан, фалончи қассобнинг жияни» деган миш-мишлар тарқай бошлиди. Амакиси бу «ачиниб» айтилган сўзларни эшиитмаганликка олар, ёмон ният билан берган маслаҳатларга қулоқ солмас эди; лекин бу маслаҳатлар борган сари кўпайиб кетди: «У сени ҳам, бизни ҳам шарманда қилди! Бу иснодни унинг қони билан ювиш керак! Хўп, де! Уни йўқ қиласиз. Агар сен қўрқсанг, ўзимиз удласидан чиқамиз!» Бу ҳақда Самарқандда ҳам, театр гастролга борган шаҳар ва қишлоқларда ҳам миш-миш гаплар борар эди. Мукаррамнинг баъзи «дўстлари» унинг чет-четларда пойлаб: «Сени ўлдирмоқчилар!», «Эҳтиёт бўл!», «Мўйсафид амакингни шарманда қилганинг учун у сендан ўч олмоқчи!», «саҳнадан кет, яширин, бошқа томонларга қочиб кетгин!» деб «маслаҳатлар» берардилар. Аммо, Мукаррам театрдан кетмади: у ердан ўзига ишончли дўстлар ортдирди. Лекин, ўлим хавфи ҳали ҳам йўқолгани йўқ эди. Бундан бир неча ой илгари революция душманлари томонидан ўзбек актрисалари Турсуной, Нурхон, Холчахон, ўзбек маданиятининг отоқли арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар ўлдирилган эди.

Театрда ўн олтита ёш актриса бўлиб, улар театр раҳбарларининг қарорига ясосан, ҳеч қачон ёлғиз юрмас эдилар: кечаю кундуз уларни навбатма-навбат қўриқлаб юрар эдилар.

Мукаррам Турғунбоева театрга Москвада бўладиган миллий санъатларнинг Бутуниттифоқ олимпиадасига тайёртарлик кўрилаётган вақтда келган эди. Ёш актрисага биринчи кунданоқ жиддий, тинимсиз ишлашга тўғри келди. Эрта билан театр қошида ташкил этилган студияда ўзбек ва классик рақслар ва ашула машғулоти, сўнг репетициялар, кечқурун эса — навбатдаги спектакль бўлар эди.

Биринчи йилнинг ўзидаёқ унга бир неча масъулиятли ролларни берадилар. Мукаррам «Үртоқлар» музикали комедиясидаги шўх, қувноқ Айорхон ролини, Ҳалима номли музикали драмада эса драматик роль ҳисобланган Ҳалиманинг онасини ва характерли роллардан бири ҳисобланган совчи Холжон холани ўйнайди, «Фарҳод ва Ширин» спектаклининг хорида ашула айтади ва даҳшатли ялмоғиз кампир-Есумон ролини бажаради. Олимпиададан сўнг ёш актрисанинг репертуари «Аршин мол олон» музикали комедиясидаги Ассия ва Зебо роллари, «Ичкарида» музикали драмадаги раққоса Асалхон ва Озодахон роллари билан бойиди.



Мукаррам Турғунбоева ўқитувчилари — Ўзбекистон Давлат музикали драма театрининг кекса артистлари орасида. 1929 йил. Чапдан ўнга: Ахмаджон Умурзоков, Тўхтасин Жалилов, Мукаррам Турғунбоева, Уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов.

Лекин, актрисани рақс санъати кўпроқ қизиқтирар эди. У соатлар давомида Уста Олимнинг моҳир бармоқлари остидан тўлқинлашиб чиқаётган рақс ритмларини тинглар. Тамарахоним қўлларининг енгил, мураккаб, жимжимадор, моҳирона ҳаракатларини диққат билан кузатар эди.] Рақснинг енгиллиги, равонлиги раққосанинг кундаклик меҳнати ва ижодкорнинг ғайрати натижаси эканлигини Мукаррам ўша пайтлардаёқ англаған эди.

Узбек рақс ритмларининг моҳир устаси Олим Комилов жуда кўп рақсларни ёдида сақлаб келди. Унинг шогирди Тамарахоним бу рақсларни Совет Ўзбекистони саҳнасига олиб чиқди. Кекса доирачи ва биринчи ўзбек раққосасининг халқа қилган хизмати ёш авлодга эскихалқ ўйинларини етказгандаридагина эмас, балки янги ажойиб халқ ўйинларини ижод этгандаридадир.] Узбек рақслари моҳиятига халал етказмаган ҳолда унинг турли-туман ҳаракатларидан фойдаланиб, Уста Олим ва Тамарахоним совет воқелигини акс этдирувчи янги мазмундаги рақслар ижод этадилар. Ўзбек совет хореографиясининг бу дастлабки қалдирғочлари биринчи марта озод меҳнатни куйловчи «Пилла» рақсини яратишга мұяссар бўладилар.

Мукаррам жуда ҳаракатчан, зийрак ва ғайратли шогирд эди. Лекин, фарғоналиқ дугонаси Ҳалима Раҳимовага ўхшаб айтган нарсаларни дарров бажаролмас, зеҳни ўтқирлиги билан ҳаммани завқлантиrolmas эди; у жуда уятчан ва тортинчоқ эди. Бир ўзи репетиция қилганда жуда яхши ўйнар, лекин унинг ўйинини бирор томоша қилиб турса, уялганидан беихтиёр ерга қараб олар, қаддини тутиб ололмас, ҳаракатлари сусаяр эди. У репетиция ва спектаклларда Тамарахоним ўйинини диққат билан кузатарди-да, репетиция тамом бўлганда ўз-ўзига: «Йўқ! Мен ҳеч қачон бундай ўйнай олмайман, ҳеч қачон!» дерди ва... Яна кўпроқ ғайрат билан ишлар эди.

Мана, 1930 йил ҳам етиб келди. Театр Москвага — Бутуниттифоқ олимпиадасига жўнади.

Москва шаҳри ўзбек артистларини ҳайрон қолдирди, ҳаяжонга солди. Шовқин-суронли кўчалар, томошабинлар билан тўлиб-тошган театрлар, музейлар! Ўзбек актрисалари Москва кўчаларини бир-бirlари билан қўл ушлашиб томоша қилиб юришди. Рангли кийимлар, жамалак қилиб ўрилган майда соchlар одамларнинг диққатини ўзига тез жалб қилди. Улар бу юрганлар артистлар эканини билиб, булар

атрофини ўраб олиб олқишлишар, кевинч билан құлларини қисар, қу-
чоқлар ва ширин-ширин сүзлар билан ўз әхтиромларини изҳор этар
әдилар. Мукаррам мана шу Москва күчаларида уятчанлик, тортин-
чиқлик одатлари ўз-ўзидан қолаётганини, секин-аста бошини баланд
күтариб юришга ўрганаётганини ҳис эта бошлади. Эхтимол, худди
шу ерда у биринчи марта олқишилардан ларзага келаётган залга
дадиллик билан қарагандир, эхтимол, танлаган йўли порлоқ йўл эка-
нини энди сезгандир.

Яна бир ажойиб таассурот Мукаррамнинг қалбидан ўрин олди,
раққосанинг оғир меҳнатда чидамли бўлишига ёрдам берди, ҳамма
вақт маҳорат чўққиларига чорлади ва чорламоқда. Бу «Ўлаётган
оққуш» (Сен-Санснинг асари) ролини рус раққосаси Екатерина Гель-
цер ижросидан олган таассурот эди.

...Ўйин тамом бўлиб, чироқ ёнгандан Мукаррам бир нарсадан
чўчиғандек бўлди, унга гўё кўп, жуда кўп вақт ўтгандек туюлди...
Гўё атрофда ҳеч ким йўқ, фақат бир гўзал қиз-оққушгина ғам-ғусса
билан изтироб чекмоқда... Ҳозир, тездан бир чора кўриш, бир илջи-
ни топиш керак, бўлмаса... бўлмаса кейин фойдасиздек туюлади. Бу
таассурот концертдан сўнг ҳам, эртасига ҳам, бир неча кунлардан
кейин ҳам кетмади. Бир кун Мукаррам кўзларини юмиб оққуш-
қизнинг саҳнага чиқишидан то охирги марта қанот қоқишига қадар
кўз олдидан ўтказмоқчи бўлган эди, Фарғонадан кетаётган куни бў-
либ ўтган бир воқиа ёдига тушиб кетди...

...Шу куни кечқурун боққа бир қанча аёллар Мукаррам билан
хайрлашгани йиғилишди (буларнинг кўпчилиги Мукаррамни концерт
пайлари кийинтириб турадиган аёллар эди). Улардан бири дуторни
олиб, ўзларининг авваллар ичкарида айтадиган севимли қўшиқлари-
дан «Қора соч»ни майнин овоз билан куйлай бошлади...

Шунда Мукаррамнинг ёдига кечки пайт, икки букчайгани
кампир ва унинг кўз ёшлари аралаш жаранглаган янгроқ овози
тушиди...

«Қора сочим ўсиб қошимга тушди,

Не савдолар менинг бошимга тушди...»

Аммо, биргина қўшиқ билан бу жудоликни, ғам-ғуссани ифода-
лаб бўладими! Йўқ! Гельцер эса ўз рақслари билан бу қайғу-ҳасрат-
нинг, жудоликнинг, ман этилган севгининг мазмунини очиб бера

олар эди... Гельцер... Лекин, у-чи, Мукаррам-чи?! Яна ҳар кунги жиддий машғулотлар давом этар эди.

Мукаррам Турғунбоевага театрда ишлаган биринчи йиллари (1936 йилгача) рақс маҳоратини ошириш, классик рақсларимизни яхши ўрганиш ва янги рақсларни ижод этиш «сирларини» эгаллаш йиллари бўлди. Шу йилларда у, ўз репертуарига Уста Олим ва Тамарахоним томонидан саҳналаштирилган «Катта ўйин», «Занг», «Дувчаво», «Уфори сохта», «Садр», «Қари наво», жанговар «Усмония» рақсларини ва ўйин билан ижро этиладиган турли-туман яллаларни киритди.

Ички шижаат, ғайрат билан сугорилган бу рақслар катта маҳоратни талаб қиласр эди. Мукаррам рақс техникасини яхши эгаллаб олганлиги сабабли 1934 йилда очилган хореография мактабига ўқитувчи сифатида тавсия этилди.

Москвада бўладиган биринчи ўзбек санъати декадасига тайёргарлик кўриш ёш актриса учун катта ижодий давр бўлди. Ўзбекистонинг барча театрларида бошланиб кетган жиддий тайёргарлик ишлари Мукаррам Турғунбоевага ҳам бу ишга катта эътибор ва ғайрат билан киришиш зарурлигини кўрсатди. Бир йил давомида бир қанча рақслар яратди ва бу рақслар ўзбек саҳна рақсларини яратиш ва ижро этишдаги келажак кўп йиллик ижодининг бошланиш даври бўлиб қолди.

Мукаррам Турғунбоева халқ ўйинларининг саҳна варианtlарини яратар экан асосий ҳаракатлар шаклини ўзгариши ўюли билан таъсирчан ҳаракатларни танлаб олар, ўзгартар, бойитар, ижро этиш техникасини такомиллаштирас ва натижада янги, ихчам рақслар вужудга келар эди.

Мукаррам халқ ўйинларининг саҳна варианtlарини яратишдаги энг муҳим нарса, рақсдаги муайян ҳаҳрамонни кўрсатишга ёрдам берувчи асосий ҳаракатларни аниқлаб олиш деб ҳисоблар эди. Агар халқ ўйинларида бутун халқ учун хос бўлган хислатлар умумлашган бўлса, маълум бир шароитда ижро этиувчи рақкоса ижросида бу умумий хислатлар унинг индивидуал ҳарактери орқали очиб берилади. Бу актрисага ҳар бир рақсни ижро этишда аниқ бир образ яратишга имкон беради.

...Фурур билан саҳнага чиққан Бухоро тўзали гўё ўз вужудидаги

тўлиб·тошган жўшқин туйғуларини сөздирмасликка ҳаракат қилгандек, гёё инсоннинг улуғвор гўзаллиги ҳақида фикр юритаётгандек кўринади.

...Қалби шодликка тўлган хораэм қизи ўз баҳтини намойиш этиб рақсга тушади. Бу ғайратли оташин ғолибага бутун олам — қуёш нурларидан тортиб дарёнинг салқин шабадасигача жўр бўлаётгандек туюлади.

...Тонг қуёшининг олтин нурлари билан жилваланган баланд тоғлардаги оппоқ қор сингари шоҳига ўралган нозик, чаққон Памир қизи ўзининг ажойиб рақсида тонгдаги соғ ҳаводан роҳатланаётгандек; янги кунни шод-хуррамлик билан кутиб олаётгандек...

Мукаррам Турғунбоева халқ ўйинларини сон-саноқсиз янги ҳаракатлар билан, ёрқин ҳис-туйғулар билан бойитиб, халқнинг ўзига хос хислатларини ажойиб усталик билан ифодаловчи бир неча Хоразм, Бухоро, Фарғона, Памир оммавий рақсларини яратади.

Шунинг учун ҳам революциядан илгари оммавий рақсларга эга бўлмаган ўзбек халқи Мукаррам Турғунбоева яратган оммавий рақсларни ўз ижоди каби севиб ардоқлайди.

Республика областларига хос бўлган машҳур халқ ўйинларининг саҳна варианtlарини яратишдан ташқари Турғунбоева оддий халқ ўйинлари, спорт машқлари, турмушда учрайдиган ҳаракатлар асосида уйғур ва андижонча рақсларни яратди.

1936 йилда бўлган халқ сайилида, у, уйғурча эркаклар рақсини томоша қиласди. Бу рақс фақат тўрт ҳаракатдангина иборат бўлиб, раққос ўзига сафоилда жўр бўлар әди. Ўйинда гавда енгил ҳаракат қиласди, бош бармоқ юқорига қаратилган бўлади, қолган бармоқлар бир оз эгилган ҳолда оригинал ҳаракатлар қиласди; раққос тиззалаб ўтириб олиб, бир қўли билан ёнбошга уриб туради ва сафоилда ўзига жўр бўлади.

Мукаррам Турғунбоева шу йилнинг ўзидаёқ йигирмадан кўп ҳаракатдан иборат бўлган оммавий уйғур рақсини саҳнага қўяди, бир неча йилдан сўнг эса бу рақснинг турли варианtlари қирқ бешдан кўп ҳаракатлар билан бойитилади. Булар асосан: орқага қайрилган кафт панжаларининг гоҳ юқорига тўғри кўтариувчи, гоҳ бир томондан иккинчи томонга еллинувчи, гоҳ икки томонга қарати-

либ пастга туширилувчи, гоҳ ўзига имо қилувчи, ўзидан нари силтоворчи ҳаракатлардан иборат әди.

Мукаррам Турғунбоева ижро этган уйғур рақсида қўл ҳаракатлари жуда аниқ, улардан бир фикрни англаса бўлади.

...Мукаррамнинг қўллари бирданига юқори кўтарилиди, тирсаклари билинар-билинмас әгилди, хавфсираган ҳолда аста-аста қадамлар ташлаб бормоқда, чөхрасида тайёрларча илжайиш, панжалари эса гоҳ чапга, гоҳ ўнгга шиддат билан букилиб: «Йўқ, йўқ, йўқ!» дейди... Мана у тўхтади, қўлларини бир томонга узатиб (эҳтимол, ўша бурчакда хафа бўлган севгилиси тургандир), илтифот билан қўзларини ерга тикканча орқага учиб кетмоқда; бармоқлари эса «кел, кела қол» дегандек әгилиб туради... Шундан сўнг ерга ўтириб олиб хамир муштлайди, севгилисига пишириб бериш учун хамир ёйиб, увра кесади.

Бу рақсни Мукаррам Турғунбоева бир группа йигитлар билан ижро этганда эса, улар қизнинг ҳуснига мафтун бўлиб, эҳтиром билан унинг атрофига чизилиб, тиззалаб ўтирадилар ва сафоилда унга жўр бўладилар. У бўлса ноз ила камзулини тузатиб, тулки мўйнали телпакчасини қошигача тушириб, чапак чалганича йигитларга юз мақом қилиб, гоҳ уларга кулиб боқар, гоҳ заҳар сочар...

Бу рақсларни Андижон обlastida яшовчи уйғурларгина эмас, бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам ижро этадилар. Бу рақслар ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг ҳозирги замон миллий рақсларига айланган. Турғунбоева яратган уйғур ўйинларининг шуҳрати Тянь-шань тоғларини ҳам ошиб ўтди. Хитойнинг Синъцзян ўйғур автоном районида яшовчи уйғурлар бу ўйинларга «Синъцзян халқ ўйинлари» деб ном берганлар ва уни завқ билан ижро этадилар.

1947 йилда андижонликлар санъат соҳасида эришган ютуқларини Тошкентда бўладиган декадада кўрсатиш учун тайёргарлик кўрмоқда әдилар. Мукаррам Турғунбоева бир группа театр ходимлари билан уларга ёрдамга борди ва у ерда, Андижон колхозларида Мукаррамни ёшларнинг янги бир ўйини мафтун қилди. Шўх куй жўрлигига, жиддий ҳаракат билан ижро этилувчи бу рақс «Андижон полькаси» деб аталар әди. Бу ўйиннинг яратилишида рус ва уйғур рақсларининг таъсир этганлиги сезилиб туради. Мукаррам Турғунбоева бу ўйиндаги шўх ҳаракатларга халқ мусобақаси — улоқ ва

курашдаги ҳаракатларни қўшиш орқали оригинал мазмунли рақс ву-
жудга келтирди. Лекин, бу рақсни ҳам бошқа рақслардаги каби
бевосита спорт ҳаракатларидан бошлади ва рақсга спортга хос жўш-
қин кайфиятни сингдирди. Натижада кучли, чаққон ва довюраклар
рақси, меҳнатда ҳам, шодликда ҳам енгилмас совет ботирларининг
шўх ва ўйноқи рақси вужудга келди. Шу сабабли «Андижон поль-
каси»ни қизлар ҳам ўзларига хос назокат ҳисларини сингдирган ҳол-
да йигитлар билан «басма-бас» туриб ижро эта бошлаганлари ажаб-
ланарли әмас.

Мукаррам Турғунбоева халқ ижодини чуқур ўрганиб, 1936 йил-
даёқ, ҳозирги ҳаётимизни акс этдиручи рақсларни яратишга кириш-
ган эди. Үнинг шу циклдаги Уста Олим билан яратган биринчи рақ-
си «Пахта»— пахтакорлар меҳнатига бағишлиланган эди.

...Юз йиллардан бери ўзбек халқи пахта экади... Юз йиллардан
бери Фарғона водийсида, Хоразм ва Самарқанднинг кенг далаларида
кўм-кўк пахтазорлар барқ уриб яшнайди. Юз йиллардан бери хо-
размликлар ўзларининг ажойиб рақсларида ҳаёт қувончини, инсон-
нинг куч ва иродасини акс этдириб келадилар. Ҳозирги Ўзбекистон
халқлари революциядан илгари ўзларининг ўйинларида гўзал таби-
атни, ажойиб инсоний ҳис туйғуларнинг куч-қудратини куйлаган бўл-
салар ҳам, аммо пахтакорлар меҳнатига бағишлиланган бирорта ҳам
рақс яратмаганлар. Ўзбек ўйинларидағи ниҳоятда нозик ва аниқ
қўл ҳаракатларининг ўзи ҳам ўйинларни яратувчилар пахтакорнинг
офир меҳнатини, музикачиларнинг чаққон қўлларини, табибларга
хос эҳтиёткорликни, полвонларга хос куч-қудратни яхши билганлик-
ларидан дарак беради. Лекин, пахтакорнинг меҳнати рақсга ажойиб
қўл ҳаракатларини бахш этган бўлса-да, пахтакорларни мадҳ этув-
чи ўйинлар яратишга илҳомлантиrmади. Ҳақиқатан ҳам пахтакор-
ларнинг аввалдаги оғир, мажбурий меҳнати санъатнинг бу қувноқ
соҳаси учун илҳом манбай бўлолмас эди.

Шуниси ажабланарлики, ўзбек 'халқининг бой рақс санъати
меросида меҳнатни тасвирловчи фақат бир неча лирик ва якка иж-
ро этиладиган жанрли рақсларгина сақланган. Ижтимоий тенглиkk-
ка асосланмаган меҳнат албатта жамият учун фойдали меҳнат зав-
қини беролмас эди. Шахсий меҳнат шавқигина кишиларга ижодий
илҳом бағишлилар эди, натижада асрлар давомида лирик ва жанрли



рақслар яратилган эди. Лирик рақсларда меҳнат севикли кишига бағишланар эди: йигит севган қизи учун билагузукка гул ўяр, қиз эса севган йигитга қийиқ ёки дўпли тикар эди. Жанрли ўйинларда бўлса меҳнат процессини кўрсатиш орқали инсон характеридаги ёмон хислатлар қулгили ёки ҳажвий йўл билан очиб ташланарди.

Революция халқларга озодлик олиб келгани учун орадан ўн-ўн беш йил ўтмасданоқ, халқ завқли меҳнат шодлигини куйлай бошлали. Ўзбек халқи катта ифтихори бўлган пахтага оқ олтин деб ном берди, самимий қўшиқларда, мароқли эртакларда уни куйлади, гўзал сўзаналарга жимжимадор гуллар тикди, сутдек оппоқ ганчларга пахтани тасвирлаб нақшлар ўйди. Пахтакор оғир ва машаққатли меҳнатда ҳаёт завқини, фидокорона меҳнатда эса халқнинг беҳисоб бойлиги ва баҳтини топди.

Пахтага бағишланган рақсини Турғунбоева турли Фарғона ўйинларининг ҳаракатлари асосида, уларга пахтакорнинг чигит экишдан бошлаб, мўл ҳосилни йиғиб териб олишгacha бўлган меҳнат процесси ни ифодаловчи ҳаракатларни қўшиш асосида яратди.

Турғунбоеванинг рақслари колхоз далаларидаги меҳнат процессини аниқ тасвирлаши билан бирга, енгиллик ва нағислик билан ҳам суғорилган.

Мана раққосанинг қўли чаққонлик билан қопдан чигитни олиб, юмшоқ ерга өкади; мана унинг қўллари ёввойи ўтларни юлиб аниқ бир ритмда, бир оз кескинлик билан ер устида парвоз қиласди; кучли қўллар салмоқ билан бир текисда кетмон чопади; ниҳоят моҳир бармоқлар пахтанинг ортиқча шоҳларини тез-тез узади, чеканка қиласди ва эпчил қўллари ҳайрон қоларли тезлик ҳамда меҳрибонлик билан ипак каби майин пахта толаларини чаноқларида қолдирмай териб юлади.

Турғунбоеванинг ниҳоятда нозик, моҳирона ҳаракатларида халқнинг ажойиб меҳнат ҳақидаги орзулари ўз аксини топган.

«Пахта» рақсидаги әнг муҳим нарса рақс қаҳрамонидир. У Турғунбоеванинг замондоши, меҳнат унинг чексиз қувончи, шунинг учун ҳам жиддий ва тез-тез ўзгариб турувчи ритмлардан тузилган бу рақс ҳақиқий илҳом конидир.

Раққосанинг гавдаси мағрур, боши бир оз орқага ташланган, қўлларининг ҳаракати гўё парвоз қилаётгандек. Рақсда шиддатли,

тирдөб каби тез айланишлар күп. Бу эса томошабин күз ўнгиде бутун эҳтироси билан ишга берилган, довюрак ва журъатли кишини гавдалантиради.

Бу рақснинг бир неча йиллардан сўнг яратилган бошқа вариантида эса Мукаррам Турғунбоева рақснинг ярмига бориб кўкариб турган пахта тутика айланади. У тиз чўкади, оқ шоҳи кўйлак уни булут каби ўраб олади, кўк камзулли гўзал ёз шабадаси тебратагётган пахта каби тебранади; мана кенг ёзилган қулоч ва бармоқлар худди ариқчаларда сув мавж ураётгандек енгил тўлқинланади. Мана, ниҳоят қиммат баҳо чаноқлар очила бошлайди...

Кўйлакнинг енглари тирсаккача тушган, нозик бармоқлар эса чимдим қилиб тўпланган, улар секин-аста юқорига, иссиқ қуёшга қараб интилоқда, доира ритми бир оҳангда маржондек терилмоқда... Очилаётган кўсаклар Мукаррамни мафтун этган. Шу дақиқада бармоқлар шиддат билан силкинади ва ҳар томонга сачраб худди гул фунча каби очилади.

Турғунбоева саҳнага қўйган «Пахта» рақснинг бошқа вариантида эса бир неча қизлар чигит экадилар, сугорадилар, чопиқ қиласидилар, сўнг бутун дала кўм-кўк либос кияди, оппоқ пахталар чаман-чаман очилади, шодлик билан терим бошланади.

Сўнгги йигирма йил мобайнида «Пахта» рақснинг бир неча вариантлари яратилди, Мукаррам Турғунбоева бу якка ва оммавий рақсларда меҳнат шавқини, қудратини куйлади.

1943 йилда Мукаррам Турғунбоева Уста Олим ва Тамарахоним ижод этган «Пилла» рақснинг янги вариантини яратади.] Тамарахоним рақсни биринчи қисмидаги эрксиз меҳнатни иккинчи қисмидаги озод ва шодлик меҳнати билан таққослаш асосида қурган эди. Турғунбоева эса рақснинг биринчи қисмидан воз кечди ва иккинчи қисмини ғивожлантириди.

Турғунбоева яратган «Пилла» рақсида меҳр билан пилла қурти боқаётган қиз ҳақида куйланади. Қиз енгил, нозик пиллаларни теради, уларни қайнаб турган қозонга ташлаб, ингичка ипакни сориб олади; улардан калава йигиради ва ипак рўмол тўқийди. Сўнгра Мукаррам бемалол ўтириб олиб, рўмолга турли рангли ипаклар билан гул тика бошлайди. Игна ушлаган чевар қўл тез-тез гул тикади, чеварнинг боши нозу-карашма билан тебранади, кўри-

нишдан иш тез ва шодлик билан боради. У бирдан сесканади, игна қўлидан тушади, чевар бармогига игна саншиб олган эди. Иш яна давом ётади... Мана энди гир-гир айланиб, шамолдек елиб давра ясамоқда, боши устида эса шойи қийиқча соявондек ҳиллираб боради.

Мукаррам Турғунбоева «Пилла» рақсидаги гул тикиш, тўқиши, қуртларни боқиш, ипак йигириш каби элементлардан фойдаланиб бир қанча оммавий ўйинларни яратди.

Турғунбоева меҳнатни тасвиrlовчи рақслар яратиш устида ишлар экан, уларда механизациялаштирилган меҳнат процессларини акс ёттириш учун ҳаракат қилди. Бу соҳада биринчи марта оммавий «Пахта» рақсига ер ҳайдайтган тракторчи образини киритди. У пахта қаторларидан оёқларини бир оз буккан ҳолда, гўё рулни ушлаб бораётгандек қўлини олдинга чўзиб борарди. Уни тракторчи деса ҳам, шофер деса ҳам, комбайнчи деса ҳам бўлади. Бу ҳаракатларни меҳнат процессидан четга чиқиши ҳисобига ривожлантириш мумкин эмас, чунки бутун процесснинг ўзи фақат шу рулни бошқариб боришдан иборат. Рақсда «тракторчи»нинг силкиниб турган «пахта орасида» пайдо бўлиши раққосаларнинг жилвали ҳаракатлари илингиздаги келтирилган гўзал кўринишга доф бўлар эди. Тракторчининг ҳаракатлари атрофда «жилдираб оқиб турган ариқчалар»га, «шохча» ва «кўсак»ларнинг «шабада»да тебранишига ҳеч бир мос келмас эди.

Раққоса тўқувчиларнинг меҳнатини яхшилаб ўрганиб «Пилла» рақсига уларнинг баъзи ҳаракатларини маълум услубга солган ҳолда, шартли тус бериб киритишга ҳаракат қилди. Лекин, бу сафар ҳам фақат ипларни тортиш, узилган ипларни улаш каби тўқувчнинг қўли билан бажариладиган ҳаракатларгина рақсга муваффақиятли сингдирилди ва конкрет натижа берди.

Бу тажрибалар ҳозирги меҳнатни тасвиrlовчи рақсларда асосий диққатни унинг қаҳрамони — инсонга унинг меҳнат натижасида пайдо бўлган фикрлари ва ҳис-тўйғуларига қаратиш кераклигини рақсга механик такорий ҳаракатлар ёт эканини кўрсатди.

Турғунбоева яратган меҳнат рақсларида иш ҳаракати Ватанимизнинг кенг далаларида, завод ва фабрикаларида тинмай меҳ-

нат қилаётган мәҳнаткашларнинг ички ҳолатини очиб беришдаги бир воситадир.

Шунинг учун ҳам мәҳнатнинг янги социалистик аҳамияти ҳақидаги фикр Турғунбоевани темасининг актуаллиги билан халқ үйинларидан бутунлай фарқ қилувчи ҳозирги замон рақсини яратишга ундади. Янги рақснинг яратилишидаги бу процессда мәҳнат асосига қурилган санъатнинг дунёга келиши ва ривожланиш қонунлари ўз аксини топди. Социализм — ўзбек халқининг кўп йиллик маданият тарихида бир янги давр очди. Янги давр — янги инсонни бунёдга келтирган бўлса, янги одам — янги санъатни яратди.

Мукаррам Турғунбоевага ижодининг дастлабки йилларида рақс санъати усталарининг яратган профессионал рақсларини ижро этишиб жуда қийиндек туюлган эди. Бу рақсларда доира ёки ногора жўр бўларди. Аниқ ва равшан ритм худди шундай ҳаракатни талаб қиласиди, агар бу ҳаракатлар заррача ўзгартирилса рақснинг бутун характеристики ўзгариб кетади. Ижрочининг дастлабки вазифаси турли туман рақс ритмларини яхши ўрганишдан иборатdir. Ҳар бир рақс бир неча ритмлардан тузилган, ҳар бир ритм темасининг таронаси бир усул бўлиб, ҳар бир усул ўз номига ва аниқ ҳаракатлар бирлашмасига эгадир. Одатда рақс беш-ён усулдан иборат бўлади. Лекин, айрим рақсларда ўнларча усуllibарни учратиш мумкин. Масалан, «Катта үйин» рақсида ҳозир олтмишта усул бор.

Рақснинг ёки усулнинг номи ҳаракатлар услубига кўпинча мос келмайди. Ритмнинг ўзи ижроичида үйинга хос ҳис-туйғуни шакллантиради. Ҳар бир ҳаракатнинг мазмунини очиб бериш учун эса қунт билан ишлаш, унинг ҳар бир ҳаракатини ўйлаб, эҳтиётлик билан бажариш керак бўлади.

Рақс — музиканинг кўзга кўринадиган шаклидир, дейдилар.

Ўзбек профессионал рақсларига фақат ритм жўр бўлади, унинг куйи эса ҳаракатларнинг ўзида жаранглаши керак. Рақкосанинг усталиги унинг ижро этган рақсининг мусиқийлигига ва бу мусиқийлик кўз билан кўриш, қулоқ билан эшлиши мумкин бўлишилигига боғлиkdir.

Мукаррам Турғунбоева профессионал рақслар техникасини эгаллаган даврини, ишнинг бошланиши деб ҳисоблади. Энди бу ўйинлар-

нинг ички мазмунини чуқур ўрганиш керак эди, бунинг учун эса рақс ва умуман санъат тарихи билан танишиш лозим эди.

Кекса усталарнинг ижро этиш техникаси, маҳорати, ҳаракатларининг аниқлиги артисткани мафтун этар эди. Аммо, уста ўйинчиларнинг баъзилари рақснинг ташки чиройига, кўринишига катта эътибор бериб юборганларидан улар ижро этган рақснинг мазмунини англаш, жайфиятини пайқаш қийин эди. Бундай санъат кўзни қувонтирса ҳам юракка етиб бормас эди. Айрим ҳолларда ижро эта-диган рақслар эса ритми ва ҳаракатлари жиддий бўлиб, шаҳвоний туйғулар ёки бўлмаса, гайри-табиий ҳаракатлар билан тўлиб-тошган бўлар эди. Саройларда ижро этиладиган рақсларнинг мазмунини йўқотишга, ижро этишда уни эротика билан безашга интилганлар. Революциядан илгариги ижро этиладиган сарой рақслари томоша-бинда қуруқдан-қуруқ таъсир қолдириш учунгина бажарилаётган мазмунсиз бир техник ҳаракатга айланган эди.

Ёш актриса сарой рақсининг ўша пайтлари давом этаётган бу каби услубига берилмади ва ижодини халқ ўйинлари усталарининг санъатини эгаллашдан бошлади. Халқ ўйини усталарининг профессионал рақслар ижро этишдаги вазмин ва олижаноб услублари актрисага бу рақсларнинг мазмунини англашга, уларнинг ажойиб ва турли-туман руҳини акс этдиришга ёрдам берди.

Бу рақслар ажойиб ва такомиллашган шаклларда бутун инсониятга характерли бўлган ҳис-туйғулар ҳақида ҳикоя қиласи. Уларнинг жаҳон маданиятининг бир кўриниши сифатидаги аҳамияти ҳам шундадир. Шу билан бирга ўзбек профессионал рақсларида ўзбек халқининг порлоқ келажак ҳақидаги орзу-ҳаваслари ўз ифодасини тўла топган.

Ўзбек поэзияси ва музикасида асрлар давомида гўзаллик идеали сифатида ой юзли, ўйноқи қора кўзли, сарв қад, нозик бадан, соф виждон, вафодор тоза қалбли содиқ аёл образи яратиб келинган. Бу гўзаллик, ақллилик тимсоли профессионал рақсларда ҳам марказий образга айланган эди.

Мукаррам Турғунбоева профессионал рақсларни ўрганар экан, ҳаётдан олинган асосий мазмунни сақлашга ҳаракат қилди. Шу билан бирга асар мазмунини ўзининг тушунчалари асосида ўзгартирди ҳам, чунки халқнинг онгига турмуш ўзгарган сари гўзал идеал

ҳақидаги тушунча ҳам ўзгариб боради. Қадимги профессионал рақслар асосида мулойим ҳазинлик, фожиали қайгу, баҳт ҳақида юракни эзувчи, баъзида жўшқин шодликка айланувчи орзу-ҳаваслар ётар эди. Аммо, бу умумлаштирилган идеал образда тасвирланган баҳт ва шодлик ҳис-туйғулари — маъсумлик, фалсафий хаёлпаратстик даражасидан нарига ўтмас эди. Бу рақсларни ижро этишда Мукаррам Турғунбоева ўйинг зўр өҳтирос ва чуқур ички кечинмаларни олиб киради; бу рақсда у ҳис-туйғулар ҳақида ҳикоя қилибгина қолмасдан, бу фикр ва сезгиларнинг бунёдга келишини ва шаклланишими ҳам тасвирлайди. Мана шу ҳақиқий кечинмалар унга мавхум, «идеал» образлар яратиш ўрнига замондошларимизга яқин ва тушунарли бўлган, өҳтиросга тўла образлар яратиш имконини берди.

Мукаррам Турғунбоева ижодида ўзбек профессионал рақси ўзининг юқори босқичига эришди. Унинг ўйини сохта ҳолатлардан, қуруқ мақомлардан, шарқ рақси учун гўё «характерли бўлган» экзотикадан ҳолидир. Актрисанинг ўйинини томошабин соддалиги, оддийлиги учун севади. Ўйндаги соддалиқ бу олижаноблик туйғулари, хусусиятлари, ҳаётнинг тўғри акс этишидир. Соддалик инсонга гўзаллик баҳш этади.

Турғунбоеванинг рақслари, улардан энг ўйхлари ҳам, биргина озод бўлган тананинг ҳаётий шодлигини, ҳаракатлардан завқланышни, чуқур инсоний ҳис-туйғуларнингина эмас, балки туйғу ва ижодий фикр эгаси бўлган инсоннинг қадр-қимматини улуғлашдан иборатдир.

Актрисанинг кўзлари жўшқин кечинмаларни ўзига итоат қилдирувчи, турли-туман ҳис-туйғуларнинг бир-бирига боғловчи фикрлар билан ёниб туради. Турғунбоеванинг ўйинлари инсоннинг энг яширин, энг самимий туйғуларини қўзратувчи, эшитган сари завқлантирувчи музикадир. Агар унинг рақсини тасвирий санъат билан таққослаб кўрсак, унинг яратган ўйинлари нафис, гўзал, мураккаб расмларни эслатади. Бу расмда қаламнинг ҳар бир чизиги керак, агар бирор чизиқ ўчириб ташланса образ бузилади. Шунингдек рақсда ҳам қўл ва бармоқларнинг энг майин ҳаракати, қошларнинг енгилгина учиси, кўкракнинг сезилар-сезилмас силкиниши, нозу назокат ила боқишлирининг ҳаммаси бир бўлиб ажойиб тасвирий мусиқийликни яратади.

Ўзбек профессионал рақслари Турғунбоева ижросида инсоннинг чексиз туйғулари, ғоят кучли кечинмалари ва теран ўй-фикрларининг ранго-ранг хазинасиdir. Дона-дона ритмли «Ногора» улуғвор ва мағрур гўзаллик ҳақида куйлади; нозишвали «Роҳат» севгининг шаффоф ва дилбар туйғуларига бағишиланган; шиддатли «Қари наво» эса табиатнинг гўзал манзаралари бахш этган ажойиб лаззатлар мадҳиясиdir; шўх «Садр» абадий ҳижронлик, ғам-ғуссанинг акси, шу билан бирга у оптимистик кучга, келажак ёрқин ҳаётга ишонч руҳи билан тўла. «Дучаво»— шўх; «Савти муножат»— совлатли; «Фарғона рези»— булбулнинг садоси каби ҳушвовоз; гоҳ вазмин, гоҳ шўх.—«Гул ўйин» эса поэзия билан суғорилган...

Ўзбек профессионал рақслари бойлигидан фойдаланиб Мукаррам Турғунбоева ўнлаб замонавий рақслар яратди. 1936 йилда у «Гулсара» музикали драмаси учун якка аёл ижро этадиган рақсни саҳнага қўйди. Рақснинг мазмунида озодлик лаззатини тотиган ва унинг учун оғир кураш олиб бораётган ўзбек хотин-қизларига бағишиланган драманинг асосий мазмуни ўзининг символик ифодасини топган эди.

Замондош хотин-қизларимизнинг ғайрат ва шиҷоатли, жасур ва назокатли, ёқимли ва нозик образи рақснинг аниқ ва равшан шакли, шу хислатларни ифодалаш учун усталик билан яратилган ҳаракатлар юситасида жуда тўғри кўрсатилган.

...Бахтиёр табассум нури билан порлаган хуббичим, забардаст аёл шиддат билан чиқиб келди-да, бирдан тўхтаб атрофга назар ташлади. Қўлини кўксига қўйиб, бир қўли билан дўпписини ушлаб бошини мағрур тутган ҳолда салом берди. Лекин, унинг саломи икки букилиб салом бериш эмас эди. У қуёшга боқиб турдида, гўё қуёш танасига янги куч-қувват бағишиландек, гўё атрофдаги ёрқин, бахтили ҳаётни ўз нурлари билан яна ҳам ёритгандек ҳис әтди ва бир сесканиб тушди. У яна қуюндек айланиб кетди. Европа классик рақсларида бу каби бир доирада айланиш «шене» дейилади, уни ижро этувчи раққоса қўлларининг ҳаракати билан гавда ҳаракатига ёрдам беради.

Катта майдонларда бўладиган сайилларда ўзбек раққосалари доира ҳосил қилиб айланар эканлар, қўлларини юқорига кўтариб, бармоқларини йифиб, мускулларини синағандек қўлларини елкала-

рига шиддат билан букар эдилар. Турғунбоева яратган образлар ҳам худди шундай айланиб, улуғвор ишонч, жасур ирода, құдратли жасорат ҳақида ҳикоя қиласылар.

Шу циклдаги рақслардан бири — 1944 йилда Турғунбоева сақна-га қўйган «Жонон» рақси шундай машҳурки, ҳатто унинг яратилған вақтини ҳалқдан сўраладиган бўлса, асрлар бўйи яшаб келмоқда, деган жавоб олинади.

Турғунбоева ижросида «Жонон» рақси ёшлик мадҳияси, севги қўшиғи сифатида янграйди ва рақсдаги раққосанинг ҳар бир ҳара-кати шодиёна жаранглайди. Раққосанинг серҳаракат, бақувват гав-дасини унинг шавқ-завққа тўлган қувончи қуюндеқ тез айлантира-ди, мафтун этувчи кўзлари эса гоҳ жилва билан боқар, гоҳ ўзига чорлар, гоҳ жиддийлашар, маъюсланар, гоҳ эҳтиросга тўлар, гоҳ табассум ила кулиб боқар эди. «Жонон»— иқрор бўлиш, севига иқрор бўлиш рақсидир. Севги шундай кучга әгаки, унга кулиб боқ-май бўлмайди.

Турғунбоеванинг шу циклдаги рақсларидан яна бири «Гайратли қиз» рақсидир.

Унинг қаҳрамони ҳаётни севувчи, ғайратли, иродали, ҳаракат-чан қиздир. Унинг ҳаракатлари парвоз қилаётгандек енгил, шиддат-ли; рақс чизиқлари равшан, соф ишланган. Унинг рақси шод-хур-рам ҳаётнинг қарор топиши, қувонч ва қийинчиликлари, қиммат ба-ҳо ҳадяси, ғолиб севгининг энг юксак чўққисидир. Гўё раққосага ер саҳни торлик қилаётгандек, гўё шу дам кучли қўллари — қанот-лари билан парвоз қилиб осмонга кўтарилаётгандек туюлади. Му-каррам Турғунбоева «Гулсара» музикали драмасидаги рақсларни ва «Жонон», «Гайратли қиз» каби рақсларни яратиш ва ижро этишда ўзбек профессионал рақс традицияларини давом этдириб, уларни янги маэмун билан бойитди.

Турғунбоева яратган бу рақсларнинг қаҳрамонлари ғайрат ва катта ирода эгаси бўлганликларидан томошабинларни мафтун этиб, воқианинг актив қатнашчисига айлантириб ола биладилар.

Мукаррам Турғунбоева ижодидаги ҳозирги замон саҳна рақси-нинг шаклланишида унинг балет театридаги фаолияти катта ёр-дам берди.

У музикали драма студиясида ишлаган биринчи йилларидаёқ

ўзбек театрининг коллективи рус опера ва балет театрининг коллективи билан ҳамкорликда ишлай бошлаган эди. Бу эса ўзбек рақсасига классик рақслар системасини ўрганишга ва энг муҳими хореографик спектакль қонун-қоидаларини ўрганиш имконини берди.



„Façcosa“ спектаклидан кўриниш. Ўртада Мукаррам
Турғунбоева.

1938 йилда Турғунбоева балетмейстер Е. Барановский томонидан саҳналаштирилган Бородиннинг «Князь Игорь» операсидаги «Половецлар ўйини»да якка рақсни ижро этади. 1940 йилда «Тоғлар қалби» балетида бош ролни бажаради, «Шоҳида» ва «Гуландом» балетларида ҳам бош ролларни ўйнайди ва саҳнага қўйишида иштирок этади; уч йилдан сўнг эса «Оқ билак» балетида қатнашади.

Булар ҳаммаси актрисанинг маҳоратини оширади, тушунчасиний

бойитади, инсоннинг ҳаракатдаги образини яратишда тажриба ортдиради. У энди «Пахта», «Пилла», «Үйғурча» каби ташқи безакдан-гина иборат рақслар асосида чуқур мазмунли, ҳис-туйфу ва ички кечинмани очиб берувчи рақслар яратса бошлайди.

Турғунбоева яратган рақсларнинг энг яхшиларидан бири — «Тановар» учун халқнинг севимли қўшиғи «Қора соч» асос бўлди... Бу қўшиқ ичкарида азоб чеккан аёлнинг севгиси ман қилинган, доимо пинҳон сақлашга мажбур этилган севгиси ҳақида кўйлади. Севги — гуноҳ, гуноҳкор эса раҳмсизларча жазоланиши керак эди.

.Қора сочим ўсиб қошимга тушди,
Не савдолар менинг бошимга тушди,
Бориб айтинг ўшал золим йигитга,
Унинг ишқи бу бағримга туташди...“

«Тановар»— севгилисига ўз севгисини очиқ изҳор этиш ҳақида-ти орзуудир. Лекин, Турғунбоева рақсининг қаҳрамони мудҳиш ич-карининг аёли эмас, бизнинг замондошимиздир, шунинг учун ҳам унинг орзу-ҳаваси амалга ошади.

Мана, у боққа чиқди, ҳижрон ила қўлини орқасига ташлади, туннинг хушбўй ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олди-да, ойдин ёритиб турган сўқмоқдан қадрдон севгилиси ҳақидағи кўнгил орзулари ила аста-секин илгарилаб кетди. Юзларидаги майин чизиқлари, қалам қошли кенг пешоналарида майин табассум гоҳ барқ уради, гоҳ сў-нади. Енгил шабада уни эркалайди, у севгилисини гўё ёнида, ана у дарахт остида тургандек ҳис этади. Қўлларини узатиб: «Кел, кел тезроқ... Оҳ, йўқ, йўқ! Мен нега чақирипман, ахир мумъкин эмас-ку...» дегандек уялиб тескари қарайди, қўллари бўлса ҳамон унта қараб интилади... Мана бирдан юқорига парвоз қилиб унинг йўлини тўсди... «Нега уяласан, нега?» Қизарган юзлари билан унга боқади, кўзлари чақириш, имо қилиш завқи билан тўлә, бармоқлари эса «Кел... келсанг-чи...» деб ишора қилаётгандек. Гўё бутун вужуди, қалби, шу чақириқ ихтиёрида, энди унга ҳеч нарса тўскинлик қилолмайди. «Йўқ, шошма, наҳотки шундай?» Ҳаяжонланиб қўллари бе-ихтиёр юзларини яширади. У эса кутади, чақиради, у севади. «Мен ҳам севаман, мен ҳам интизорман, кел, мен ҳам бахтиман, суюнганимдан ҳозир ўйинга тушишга тайёрман!» Мана у қўлларини ши-

қиллатиб, ўзининг қуммат баҳо туйғуларини эҳтиётлик билан сақла-
гандек, секин-секин ўйнайди ва... яна уни чақиради. Аммо, энди ҳеч
ким йўқ. Раққосанинг бутун вужуди эса ҳижрон ўтида ёнади, қўл-
ларини яна елкасига қўйиб, чуқур уйга ботади...

«Танавор»— биргина рақс эмас, балки хореографик поэма
ҳамдир.

1945 йилда талантли балетмейстер П. К. Иоркин бир ажойиб
тажриба ўтказди. У Турғунбоевага «Боғчасарой фонтани» балетидаги
Зарема ролини топширди. Актриса Европа классик рақслари эле-
ментларини кам билганлиги сабабли, образни пантомималар асоси-
да — кам ҳаракатли рақсларда беришга қарор қилинди. Зарема
образини яратишда Турғунбоевага ўзбек халқ ўйинларининг пан-
томима ҳаракатини яхши билганлиги ёрдам берди.

Балетларда иштирок этиш актрисада миллий рақс пантомима-
лари асосида кичик мазмунли хореографик рақс яратиш фикрини ту-
дирди.

Ижодининг йигирма йиллигига бағишлиб Турғунбоева янги давр
ўзбек хотин-қизларининг йигирма йил ичидаги босиб ўтган йўлин-
тасвирловчи «Озодлик» хореографик картинасини яратди.

...Доиранинг ҳаяжонли, ташвишли, шошилинч гумбурлаши-
кимнингдир келаётган баҳтсизликдан огоҳлантиради. Шу вақт саҳ-
нага кул ранг паранжига ўралган хотин югуриб чиқади, у ўзини қа-
ерга яширишни билмай саросимада. Кимнингдир таъқибидан, қуви-
шидан қочиш керак, дарҳол яшириниш керак, ҳеч ким сезмасин ва-
қўрмасин!.. Мана кимнингдир кучли қўли унга чанг солиб йиқит-
моқчи, поймол қилмоқчи... Қаршилик кўрсатиш фойдасиз — атроф
ўраб олинган. Бир ўзи ёвуз душманлар билан юзма-юз туриб, қора
чимматини очади. Энди унинг учун ҳамма нарса барибири! Ўлиш ол-
дидан душманлар ундаги нафратни кўрсинглар, узлатда ўтган қул-
лик ҳаётига ўқиётган лаънатларини эшитсинглар!.. Унинг нафрати
душманларни чекинишга мажбур қилди. Умидсизланган аёл ипак-
каби майин, узун соchlари билан ўзини бўғиб ўлдирмоқчи. Ахир бу
соchlар унинг ҳусни эди-ку!.. «Йўқ! Ўлим?! Мўмкин эмас! Қора чим-
